

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

НИШАНБАЕВ САБИР ЗАРИПБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ *POLYGONUM*, *ALHAGI*, *QUERCUS*
ВА *PLATANUS* ТУРКУМ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ФЕНОЛ ВА
ТЕРПЕНОИД БИРИКМАЛАРИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич

Ўзбекистон флорасидаги *Polygonum*, *Alhagi*, *Quercus* ва *Platanus*
туркум ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмалари 3

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич

Фенольные и терпеноидные соединения растений родов *Polygonum*,
Alhagi, *Quercus* и *Platanus* флоры Узбекистана 29

Nishanbaev Sabir Zaripbaevich

Phenolic and terpenoid compounds of plants of the genera *Polygonum*,
Alhagi, *Quercus* and *Platanus* of the flora of Uzbekistan..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 60

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

НИШАНБАЕВ САБИР ЗАРИПБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ *POLYGONUM*, *ALHAGI*, *QUERCUS*
ВА *PLATANUS* ТУРКУМ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ФЕНОЛ ВА
ТЕРПЕНОИД БИРИКМАЛАРИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/K25 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.
Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арипова Салимахон Фазиловна кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Комилов Хожиясрор Максудович фармацевтика фанлари доктори, профессор Абдуллаев Шавкат Вахидович кимё фанлари доктори, профессор Абдулладжанова Нодира Гуломжановна кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. (+99871) 262-59-13, факс (+99871) 262-73-48), e-mail: plant.inst@icps.org.uz, ixgv@mail.ru.

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел. (+99871) 262-59-13, факс (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

Д.Т. Асилбекова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида ўсимликлардан олинадиган дори воситаларига қизиқиш ва талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб уларнинг тиббиёт амалиётида қўлланиладиган синтетик дори воситаларига нисбатан кам захарлилиги, таъсир доирасининг кенглиги ва ишлатилиш миқдорининг озлигидир. Шунга кўра, табиий доривор воситалар манбаи бўла оладиган янги ўсимлик турларини излаш, улардан биологик фаол фенол ва терпеноид бирикмаларни ажратиб олиш, тузилишини тадқиқ қилиш, физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш, физиологик фаол янги моддаларни аниқлаш ва улар асосида самарали дори воситалар яратиш замонавий биоорганик кимё, фармацевтика ва тиббиёт олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон флораси ўсимлик турларига бой бўлиб, ўз таркибига 4600 дан ортиқ турни қамраб олган ҳамда уларнинг 20% ни эндемик турлар ташкил қилади ва аксарият қисми тоғли ҳудудларда ўсади. Шулардан 100 та тури амалий тиббиётда, 600 дан ортиқ турлари халқ табобатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Улар қадимдан турли касалликларни даволаш ва олдини олишда, жумладан, кенг тарқалган ва хавфли юрак қон-томир, ошқозон-ичак, тери ва турли этиологиядаги бошқа касалликлар, шунингдек, зарарли ўсмаларни даволашда ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Жаҳон тиббиёт амалиётида ўсимликларнинг биологик фаол фенол ва терпеноид бирикмалари асосида олинган дори воситаларининг сони янада ошиб бормоқда. Айниқса, улар қаторида фенол бирикмалар асосида олинган дори воситалар муҳим ўринга эга. Ўсимлик хом ашёсининг фенол бирикмалари асосида яратилган детралекс, альтан, карсил, пикногенол, куркумин, ресвератол, цистениум, корвитин, дигидрокверцетин, квертин, флакарбин, фларонин, ликвиритон, леспефрил, эпигалин, Лив-52 каби бир қатор самарали дори воситалари амалий тиббиётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу дори воситалари организмда юрак қон-томир системасини мустаҳкамлаши, иммунитетни кучайтириши, бактерияларга қарши, антигипоксик, антиоксидант хоссаларга, вирусларга, яллиғланишга ва хавфли ўсмаларга қарши фаолликка эга бўлгани, организмга осон сингиши ва салбий таъсирлари жуда кам бўлганлиги сабабли, қатор касалликларни даволашда тиббиёт амалиётида кенг қўламда ишлатилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалар каби фармацевтика йўналишида ҳам қатор муваффақиятларга эришилди, жумладан, маҳаллий ўсимликлар хом ашёси асосида янги, импорт ўрнини босувчи табиий дори воситалари яратиш бўйича илмий изланишларни юқори савияда ташкил этиш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш йўналишида кенг қўламда чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижалар қўлга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва Фармацевтика таълими ва илм фани тизимини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»¹ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» ва VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва университетларида доривор ўсимликлар таркибидан биологик фаол иккиламчи метаболитларни ҳамда уларнинг ҳосилаларини ажратиб олиш, ажратилган индивидуал бирикмаларнинг кимёвий тузилишини замонавий спектрал ва кимёвий усуллар ёрдамида ўрганиш, биологик фаолликларини аниқлаш ва улар асосида дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Center for Natural Product Research, Research Institute of Pharmaceutical Sciences (Миссисипи, АҚШ), Fachbereich Chemie und Chemietechnik der Universiteat Paderborn (Падерборн, Германия), University of Nottingham (Ноттингем, Англия), Faculty of Pharmaceutical Sciences, Okayama University (Япония), Human Nutrition Unit, School of Molecular and Microbial Biosciences, University of Sydney (Сидней, Австралия), Institute of Dendrology, Polish Academy of Science (Польша), Centro de Edafologia y Biologia Aplicada del (Испания), Department of Chemistry & Biochemistry Miami University (Оксфорд, АҚШ), International Association Groupe Polyphenols (Франция), К.А. Тимирязев номидаги ўсимликлар физиологияси институти (Россия) ва «Фитокимё» Халқаро илмий-ишлаб чиқариш холдингида (Қозоғистон) олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижнинг катор етакчи илмий марказларида *Polygonaceae* оиласига мансуб *Polygonum* туркуми, *Fabaceae* оиласига мансуб *Alhagi* туркуми, *Fagaceae* оиласига мансуб *Quercus* туркуми ва *Platanaceae* оиласига мансуб *Platanus* туркуми ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмаларини кимёвий тадқиқ қилиш, фармакологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида тиббиёт учун

¹ 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбалар материаллари асосида тайёрланган.

зарур янги самарали дори воситалари яратиш бўйича етакчи олимлар Ganapathi Narasimhulu, Jamaludin Mohamed, M. Thiruvengadam, A.B. Лазарев, В.В. Иванов, В.И. Литвиненко, И.Н. Дьякова, К.А. Карпеченко, Nicolas Vivas, Ibtissam Alami, Chun-Hua Yang, Augustin Scalber, Jean-Michel Favre, Mourad Kaouadji, M. Iqbal Choudhary, Magda T. Ibrahim, Ning Li, V.P. Singh, Gulzar Muhammad, Abdul Hafeez Laghari, Fatemeh Varshochi, Г.Ш. Бурашева, К.Д. Рахимовларнинг илмий мактаблари шуғулланишган.

Республикамизда ҳам бу борада кўпгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, жумладан, кимёгарлар А.И. Исмаилов, З.А. Кулиев, Д.Н. Далимов, Э.Х. Ботиров, М.П. Юлдашев, А.К. Каримджанов, Н.К. Хидирова ҳамда фармакологлар А.Г. Курмуков, В.Н. Сыров, З.А. Хушбактова ва бошқа олимлар маҳаллий доривор ўсимликлар таркибидан фенол ва терпеноид бирикмаларни ажратиб олиш, тузилишини ва биологик фаолликларини ўрганиш ҳамда улар асосида кенг терапевтик таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратиш йўналишида тадқиқотларни амалга оширган. Тадқиқот натижаларига кўра, *Polygonum*, *Alhagi*, *Quercus* ва *Platanus* ўсимлик туркумларига кирувчи ўсимлик турлари таркибида биологик фаол фенол ва терпеноид бирикмалар сақлаши аниқланди, бу эса шу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД ФА-А12-Т162 «*Ajuga turkestanica* (Rgl.) Briq., *Sophora japonica* L., *Matricaria recutita* L., *Calendula officinalis* L. ва *Silene viridiflora* L. доривор ўсимликларини ўстириш ҳамда улар ва бошқа маҳаллий ўсимликлар асосида биологик фаол маҳсулотларни яратиш» (2009-2011 йй.), ФА-А7-Т187 ««Данг-шень» ва «Катацин» дори воситаларини тиббиёт амалиётига жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш» (2012-2014 йй.), ФА-Ф7-Т184 «Ўзбекистон флораси ўсимликларининг терпеноидлари ва фенол бирикмалари кимёси» (2012-2016 йй.) ҳамда ТА-ФА-Ф7-008 «Табий терпеноид ва фенол бирикмаларни ўрганиш ҳамда улар асосида тиббиёт, ветеринария ва қишлоқ хўжалиги учун дори воситалари яратиш» (2017-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Polygonum coriarium* Grig., *Alhagi canescens* (Regel) B. Keller & Shap., *Alhagi persarum* Boiss. & Buhse, *Alhagi pseudalhagi* (M. Bieb.) Desv. Ex Shap., *Quercus robur* L. ва *Platanus orientalis* L. ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмаларини тадқиқ қилиш, ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва фазовий конфигурациясини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш, адабиётларда маълум бўлган бирикмаларни идентификация қилиш ҳамда фармакологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида тиббиёт учун зарур дори воситасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республикамиз ҳудудларида ўсадиган *Polygonum coriarium*, *Alhagi*

canescens, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ва *Platanus orientalis* ўсимлик хом ашёларини экстракция қилиш ва фракцияларга ажратиш; олинган турли фракциялардан колонкали хроматография ва бошқа усуллар ёрдамида соф ҳолдаги бирикмаларни ажратиб олиш;

олинган индивидуал бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ва хоссаларини кимёвий ҳамда физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида исботлаш;

тадқиқ қилинаётган ўсимлик турларининг учувчан бирикмаларини хромато-масс-спектрал усул ёрдамида таҳлил қилиш;

ажратиб олинган индивидуал ва йиғинди ҳолдаги фенол ва терпеноид бирикмаларнинг фармакологик фаоллигини аниқлаш;

аниқланган биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш усули учун лаборатория регламентини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Polygonum coriarium*, *Alhagi canescens*, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ҳамда *Platanus orientalis* ўсимлик турлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети *Polygonum coriarium*, *Alhagi canescens*, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ва *Platanus orientalis* ўсимлик турларидан ажратиб олинган фенол ва терпеноид бирикмалар, уларнинг кимёвий тузилиши, кимёвий, физик-кимёвий хоссаларини ҳамда биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида экстракция, филтрлаш, қуюлтириш, хроматографик (ЮСЮҚХ, ГХ-МС, КХ, ЮҚХ ва ҚХ), ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий тузилишини исботлаш учун кимёвий (ишқорий, кислотали ва тиолитик парчалаш) ва физикавий (УБ, ИҚ, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия) ҳамда биологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк мартаба *Polygonum coriarium*, *Alhagi canescens*, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ва *Platanus orientalis* ўсимлик турларидан 35 дан ортиқ фенол моддалар ажратиб олинган, уларнинг кимёвий тузилишлари кимёвий ва физикавий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланган, шунингдек ушбу тур ўсимликларнинг учувчан терпеноид бирикмалари таркиби аниқланган;

Polygonum coriarium ўсимлик туридан 5 та фенол бирикмалар ажратиб олинган ва 51 та учувчан бирикмалар идентификация қилинган;

Alhagi canescens ўсимлик туридан 13 та флавоноидлар ҳамда 1 та циклик спирт *D*-пинитол индивидуал ҳолда ажратиб олинган ва эфир мойи таркибидаги 70 та учувчан бирикмалари идентификация қилинган;

Alhagi persarum ўсимлик туридан 5 та флавоноидлар индивидуал ҳолда ажратиб олинган ва эфир мойи таркибидаги 94 та учувчан бирикмалар идентификация қилинган;

биринчи мартаба *Alhagi pseudalhagi* ўсимлиги ер устки қисмининг полипренол гомологлари таркиби ўрганилган, олинган натижага кўра ушбу ўсимлик полипреноллари боғланган ҳолда учраши ва изопрен қолдиклари

сони n=11-12 га тенглиги аниқланган;

биологик фаол изорамнетин ва нарциссин флавоноидларининг, шунингдек диабетга қарши, гипогликемик хусусиятларга эга бўлган циклик спирт D-пинитолнинг янги истиқболли ўсимлик манбаи (*Alhagi canescens*) топилган;

Alhagi canescens ва *Alhagi persarum* ўсимлик турларининг эфир мойлари микробларга қарши компонентларнинг манбаи эканлиги аниқланган;

Quercus robur пўстлоғидан 7 та фенолкарбон кислотаси индивидуал ҳолда ажратиб олинган ва идентификация қилинган;

илк бор *Platanus orientalis* пўстлоғидан 3 та мономер ва димер ҳолдаги ҳамда 4 та янги олигомер проантоцианидин гликозидлар индивидуал ҳолда ажратиб олинган ва тузилишлари исботланган;

ажратиб олинган янги олигомер проантоцианидинларнинг мономерлари ўзаро флаванлараро C-4 α -C-8 ва C-4 β -C-8 боғлар орқали боғланганлиги, мономер таркиби (-)-эпикатехин, (-)-эпикатехин-3-O-галлат, (+)-катехин-3-O-галлат, (-)-эпигаллокатехин-3-O-галлат ҳосилаларининг олигомерларидан ташкил топган, гликозилланган ва ацилгликозилланган проантоцианидинлар эканлиги аниқланган;

маҳаллий *Polygonum coriarium* ўсимлигининг полимер проантоцианидинлари асосида гипоксияга қарши таъсирга эга бўлган «Катацин» дори воситаси яратилган ҳамда ушбу дори воситаси субстанциясини олиш усулининг лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш регламентлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Катацин» дори воситасининг гипоксияга қарши ва антиоксидант фаолликлари жиҳатидан ҳозирда тиббиёт амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган милдронат дори воситаси билан рақобатлаша олиши исботланган;

«Катацин» дори воситаси субстанциясининг тўлиқ клиник олди фармако-токсикологик текширувлари ўтказилиб, унинг эмбриотоксик, теротоген, иммунотоксик ва мутаген хоссаларга эга эмаслиги аниқланган;

«Катацин» дори воситасининг субстанцияси ва перорал қўллашга мўлжалланган таблетка дори шакли ишлаб чиқилган.

«Катацин» дори воситаси субстанциясининг ва 0,05 г таблеткасининг тажриба синов партияларини олиш йўлга қўйилган.

Барча меъерий техник хужжатлар тўплами «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartizatsiyasi davlat markazi» ДУК га топширилган, клиник синовларга рухсат олинган, клиник синовлар учун Тошкент шаҳридаги 3 та клиника аниқланган.

«Катацин» препарати №DV/M 01565/06/17 (06.06.2017 й.) бўйича рўйхатдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги замонавий хроматографик, аналитик, физик-кимёвий ва биологик усулларни қўллаш ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланади. Натижаларнинг ҳаққонийлиги уларнинг тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилиши, 1 та ЎЗР патенти олинганлиги, халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор Республикамиз ҳудудида ўсувчи *Polygonum coriarium*, *Alhagi canescens*, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ва *Platanus orientalis* ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмалари таҳлил қилинганлиги, улардан 35 дан ортиқ фенол бирикмалар ажратиб олинганлиги, тўртта янги олигомер проантоцианидингликозиднинг кимёвий хоссалари тадқиқ этилиб, тузилиши аниқланганлиги, шунингдек мазкур ўсимлик турларидан хромато-масс-спектрал таҳлил усули ёрдамида 215 та фенол ва терпеноид синфига мансуб бирикмаларнинг идентификация қилинганлиги, ҳамда ушбу бирикмаларнинг ўсимлик ҳаётидаги экологик роли ўрганилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот иши натижаларидан биоорганик кимё, фармацевтика ва фитокимё соҳаларида фенол ва терпеноид бирикмаларини ўрганишда ўқув ва илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, маҳаллий *Polygonum coriarium* ўсимлигидан олинган полимер проантоцианидинлар асосида гипоксияга қарши самарали «Катацин» дори воситаси яратилди. «Катацин» дори воситасининг лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш регламентлари, ўсимлик хом ашёсига ВФМ 42 Уз-3253-2017 «Торон ildizi», субстанциясига ВФМ 42 Уз-3254-2017 «Катацин» учун ВФМ лари ишлаб чиқилган ва Фармакологик Қўмита томонидан тасдиқланган, бу эса ўз навбатида маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида самарали дори воситаси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Polygonum coriarium*, *Alhagi canescens*, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ва *Platanus orientalis* ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гипоксияга қарши таъсирга эга бўлган дори воситани олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05061, 2015 й.). Натижада маҳаллий хом ашёдан гипоксияга қарши восита, яъни кислород етишмовчиликда ишлатиладиган дори воситаси яратиш имконини берган;

яратилган дори воситасининг савдо номи учун «Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси» (рақам DV/M 01565/06/17 (06.06.2017 й.)) олинган;

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК Фармакология қўмитаси томонидан клиник синовлардан ўтказиш мақсадида 3 та клиник базаларга рухсат берилган (2017 йил 7-июндаги Фармакология Қўмитасининг №29/03-732-сон маълумотномаси). Натижада Республикада шу турдаги дори воситаларининг импорти ўрнини босувчи янги дори восита олиш имконини берган;

Polygonum coriarium, *Alhagi canescens*, *Alhagi persarum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Quercus robur* ва *Platanus orientalis* ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар импакт-фактори юқори бўлган етакчи 30 дан ортиқ хорижий илмий журналларда табиий бирикмаларни идентификация қилиш ва тузилишини аниқлашда ҳамда

бошқа керакли маълумотлар олишда фойдаланилган: (Carbohydrate Polymers, 2019, Vol. 211 (1), JCR, IF 7.182; Journal of Molecular Liquids, 2015, Vol. 212, JCR, IF 5.065; Frontiers in Microbiology, 2020, Vol. 11, JCR, IF 4.235; Microorganisms, 2020, Vol. 8, JCR, IF 4.152; Journal of Natural Products, 2020, Vol. 83 (10), JCR, IF 3.779; Journal of Ethnopharmacology, 2012, Vol. 143 (1), JCR, IF 3.690; Journal of Water Process Engineering, 2021, Vol. 39, JCR, IF 3.465; Phytochemistry, 2016. Vol. 130, JCR, IF 3.044; Fitoterapia, 2012, Vol.83 (2), JCR, IF 2.527 ва бошқалар). Натижада ўсимликлардан ажратиб олинган фенол ва терпеноид бирикмаларнинг тузилишини исботлаш ва мазкур ўсимликларнинг кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган;

ажратилган янги проантоцианидинларнинг кимёвий тузилишлари ва физикавий хусусиятлари аниқланиб, халқаро махсус луғат «Dictionary of Flavonoids» (Taylor&Francis Group CRC Press) маълумотлар базасига 1255211-38-1, 1255211-63-2, 882995-48-4 рақамлари остида киритилган. Натижада янги бирикмаларга ўхшаш моддаларнинг тузилиши ва физикавий хусусиятларини тавсифлашда тақдим этилган маълумотлардан соҳа олимларига фойдаланиш имконини берган;

диссертация мавзусига тааллуқли *Alhagi* туркумига мансуб ўсимликларнинг фитокимёвий таркиби, биологик фаолликлари ва улар асосида яратилаётган дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар бўйича бутун дунё илмий маълумотларини тўплаб «Метаболиты растений рода *Alhagi*» мавзусида монография чоп этилган бўлиб, мазкур монографиядан Россиянинг Ханта-Манси автоном округи-Югра Сургут давлат Университетининг «ХМАО-Югранинг ёввойи ўсимликларининг полифенолларини ажратиб олиш ва аниқлашнинг инновацион технологиялари ҳамда уларнинг шимолдаги ёшга боғлиқ касалликларда геропротектив хусусиятларини ўрганиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида ажратилган полифенол бирикмаларнинг кимёвий тузилишини ва антиоксидант, мембранани барқарорлаштирувчи хусусиятларини аниқлашда, флавоноидлар, уларнинг фармакологик таъсир механизми ва биологик фаоллигининг кимёвий тузилишга боғлиқлигини тушунтириш, шунингдек, ўқув жараёнида 04.06.01-Кимё фанлари йўналиши бўйича аспирантларнинг диссертация ишларини тайёрлаш ва ўқитишда фойдаланилган. Натижада «Биоорганик кимё» йўналишидаги магистрант талабаларнинг диссертация ёзишлари учун тўлиқ маълумотлар (Сургут давлат Университетининг 2020 йил 2-декабрдаги №12-35-07/46-сон маълумотномаси) олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 30 та, жумладан, 18 та халқаро ва 12 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган. Диссертация ишида қайд этилган «Катацин» дори воситаси «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» VII-Республика ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги ОАКнинг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объектлари ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулосалар қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Alhagi, Quercus, Platanus* ва *Polygonum* туркум ўсимликларининг тарқалиши, кимёвий таркиби ва биологик фаоллиги» деб номланган **биринчи боб**да *Alhagi, Quercus, Platanus* ва *Polygonum* туркум ўсимликлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Бу бобда дунё бўйича тарқалган тўртта туркумга мансуб ўсимликларнинг географик тарқалиши, ботаник тавсифлари, фитокимёвий таркиби, биологик фаолликлари бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари тўлиқ келтирилган. Шунингдек, мазкур туркумларга мансуб ўсимликларнинг биологик фаол бирикмалари асосида тавсия қилинган биологик фаол қўшимчалар ва дори воситалари бўйича маълумотлар баён этилган.

«*Polygonum, Alhagi, Quercus* ва *Platanus* туркум ўсимликларининг фенол ва терпеноид бирикмалари» номли **иккинчи боб**да тадқиқот бўйича олинган натижалар муҳокама қилинган.

Polygonaceae оиласига мансуб, *Polygonum coriarium* ўсимлиги ер устки ва илдиз қисми хромато-масс-спектрал усул ёрдамида таҳлили амалга оширилди. Олинган натижаларга кўра, биринчи маротаба ўсимлик ер устки қисмининг гексанли экстракти таркибида 13 та, бензолли экстракти таркибида 14 та, ўсимлик илдизининг гексанли экстракти таркибида 20 та, бензолли экстракти таркибида 18 та учувчан бирикмалар, жами 51 та учувчан терпеноид ва бошқа бирикмалар идентификация қилинди. Ушбу ўсимлик ер устки қисмидан колонкали хроматография (КХ) ва гел-хроматография усуллари ёрдамида долчин (1) ва галл (2) кислоталари, скополетин (3), кверцетин-3-*O*-β-*D*-глюкопинозид (4), изорамнетин-3-*O*-рутинозид (5) бирикмалар ажратиб олинди ва идентификация қилинди.

Fabaceae оиласига мансуб, *Alhagi canescens* ўсимлиги ер устки қисмининг гексан ва бензолли экстрактлари ҳамда гидро- ва пародистилляция усулида олинган эфир мойларининг кимёвий таркибини хромато-масс-спектрометрия усули ёрдамида таҳлил қилинганда, гексанли экстракт таркибида 5 та, бензолли

экстракт таркибида 11 та, гидро- ва пародистилляция ёрдамида олинган эфир мойи таркибида тегишлича 38 та ва 46 та, жами бўлиб 70 та учувчан терпеноид ва бошқа бирикмалар илк маротаба идентификация қилинди. Ушбу ўсимлик ер устки қисмидан КХ, гель-хроматография ва чўктириш усуллари ёрдамида *D*-пинитол (6), кемпферол (7), кверцетин (8), изорамнетин (9), хризоспленетин (10), (+)-катехин (11), (-)-эпигаллокатехингаллат (12), изокверцитрин (4), изорамнетин-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозид (13), нарциссин (5), рутин (14), даидзеин (15), формонетин (16) ва ононин (17) мазкур ўсимлик туридан биринчи маротаба ажратиб олинди ва идентификация қилинди.

Ушбу оилага мансуб *Alhagi persarum* ўсимлигининг гексан ва бензолли экстрактлари, гидро- ва пародистилляция усулида олинган эфир мойларининг кимёвий таркибини хромато-масс-спектрометрия усули ёрдамида таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, илк маротаба мазкур ўсимликнинг гексанли экстракти таркибида 9 та, бензолли экстрактида 33 та, паро- ва гидродистилляция ёрдамида олинган эфир мойи таркибида тегишлича 63 та ва 55 та, жами бўлиб 94 та учувчан терпеноид ва бошқа бирикмалар идентификация қилинди. Илк маротаба ушбу ўсимлик ер устки қисмидан КХ ва гелъфилтрация усуллари ёрдамида нарингенин (18), изорамнетин (9), изомирицетин (19), нарциссин (5) ва генистин (20) флавоноидлар индивидуал ҳолда ажратиб олинди ва идентификация қилинди.

Илк маротаба *Alhagi pseudalhagi* ўсимлигининг полипренол гомологлари сифат ва миқдорий таркиби тадқиқ қилинди. Олинган натижаларга кўра, ўсимлик таркибида полипреноллар фақат боғланган ҳолда ва изопрен қолдиғи сони $n=11-12$ га тенг полипренил гомологлари кўринишида учраши ҳамда энг кўп миқдорда додекапренол сақлаши аниқланди.

Fagaceae оиласига мансуб, *Quercus robur* ўсимлиги пўстлоғидан КХ ва гелъ-филтрация усуллари ёрдамида 5 та фенолкарбон кислота хосилалари – *n*-гидроксибензой (21), ванилин (22), сирен (23), галл (2), триметил галл (24) кислоталари ҳамда долчин кислота хосилалари – кофе (25) ва ферул (26) кислоталари индивидуал ҳолда мазкур ўсимликдан биринчи маротаба ажратилди ва идентификация қилинди.

Platanaceae оиласига мансуб, *Platanus orientalis* ўсимлиги пўстлоғи таркибидан КХ ва гелъ-филтрация усуллари ёрдамида мономер (-)-эпигаллокатехин-3-*O*-галлат (12), димер (-)-эпикатехин-(4β-8)-(+)-катехин (27) ва (+)-катехин-(4α-8)-(+)-катехин (28), ҳамда олигомер ҳолдаги 4 та янги адабиётларда маълум бўлмаган проантоцианидин гликозидлар соф ҳолда ажратиб олинди. Ажратилган янги бирикмаларнинг тузилиш конфигурациялари кимёвий ва спектрал усуллар ёрдамида исботланди, маълум бирикмалар идентификация қилинди.

***Platanus orientalis* дан ажратилган янги олигомер проантоцианидинларнинг тузилишини аниқлаш**

Platanus orientalis L. пўстлоғи сув-спиртли экстрактининг *n*-бутанолли фракциясидан микрокристаллик целлюлоза ва сефадекс LH-20 адсорбентли

колонкалар ёрдамида КХ ва гелъ-филътрация қилинди, натижада тўртта янги олигомер проантоцианидин гликозидлар ажратилди. Ажратилган бирикмалар шартли равишда платанозид-А (29), платанозид-Б (30), платанозид-С (31) ва платанозид-Д (32) деб номланди.

Ажратилган проантоцианидинлар кучсиз кислотали хусусиятга эга бўлиб, улар ацетон, метанол, этанол, диметилформаид ҳамда уларнинг сув билан аралашмасида яхши эрийди, этилацетатда деярли эрмайди, эфирда ва хлороформда умуман эрмайди.

Платанозид-А (29) – оч-жигар ранг аморф кукун. $C_{58}H_{52}O_{27}$ таркибга эга, $[\alpha]_D^{22} \pm 0^\circ$ (c 0.67; ацетон-сув 1:1), молекуляр оғирлиги $M_o = 1180$ ($MW:M = [M+H]^+ = 1181$; ультрацентрифуга ва гелъфилътрация), $290-300^\circ C$ ҳароратда парчаланди.

УБ-спектри (C_2H_5OH): λ_{max} 279 нм. ИҚ-спектри (КВг, ν_{max} , cm^{-1}): 3649, 3264, 1717, 1616, 1522, 1452, 1375, 1286, 1119.

^{13}C ЯМР спектр маълумотлари 1-жадвалда келтирилган бўлиб, платанозид-А (29) проантоцианидиннинг гликозилланган олигомер проантоцианидинларга мансублигини кўрсатди.

1-жадвал

^{13}C ЯМР спектрида платанозид-А (29) углерод атомлари сигналларининг кимёвий силжишлари (м.у.)

Углерод атомлари	Платанозид-А нинг мономер бўлаклари				
	а	б	с	Глюкоза	Галлоил
C-2	76.46	76.46	76.46		
C-3	73.77	73.77	69.79*		
C-4	36.75	36.75	–°		
C-6	94.53	94.53	94.53		
C-8	94.53	107.50	107.50		
C-10	103.20-104.40	103.20-104.40	103.20-104.40		
C-5, 7, 9	148.00-153.10	148.00-153.10	148.00-153.10		
C-1'	130.66	130.66	130.66	103.20-104.40	120.00
C-2'	115.98	115.98	115.98	73.77	111.80
C-3'	144.59	144.59	144.59	76.46	144.59
C-4'	144.59	144.59	144.59	69.83*	–
C-5'	115.98	115.98	115.98	76.46	144.59
C-6'	119.20	119.20	119.20	61.33	111.80
–COO–					174.50

*«Пастки» бўлак C-3 ва глюкозанинг C-4 углерод атомлари сигналларини ўрин алмаштириш мумкин. °Сигнал эритувчи сигнали билан тўсилганлиги сабабли кузатилмайди. (а, б, с – 1-схемага қаранг).

Протонлар билан спин-спин таъсирлари тўла сўндирилган шароитдаги 29-бирикманинг ^{13}C ЯМР-спектрида 2,3-цис-конфигурацияга мос катехинларнинг сигналлари кузатилди. Мономер бўлакнинг C халқасидаги C-2 углерод атомининг 76,46 м.у. соҳадаги сигнали проантоцианидин

молекуласидаги флаван-3-олларнинг асимметрик марказлари 2,3-цис-конфигурацияга эга эканлигини кўрсатади. С-4 боғланган углерод атомлари одатда 35.50-36.70 м.у. соҳаларда сигнал беради, лекин энг пастки бўлак С-4 углерод атомининг сигнали одатда эритувчи сигнали билан тўсилиб қолади. Шунингдек, 148.00-153.10 м.у. соҳалардаги сигналлар А халқанинг С-5, 7, 9 кислород алмашган углерод атомларига тегишли. А халқанинг флаванлараро боғлардан озод С-6 ва С-8 углерод атомлари 94.53 м.у. соҳада намоён бўлса, бундай боғларда қатнашувчи углерод атомлари 107.50 м.у. соҳада кузатилади. С-10 углерод атомининг 102.08 м.у. соҳадаги сигнали молекуладаги флаванлараро боғнинг С-4-С-8 турига мос келишини кўрсатади.

В халқаси углерод атомларининг кимёвий силжишлари таҳлил қилинганда, платанозид-А (29) молекуласи фақатгина катехин мономерларидан ташкил топганлиги маълум бўлди. 144.59 м.у. соҳадаги интенсив сигнал В халқанинг алмашинган С-3' ва С-4' углерод атомларига тегишлидир. С-2' углерод атомига 115.98 м.у. соҳадаги резонанс сигнал, С-5' ва С-6' углерод атомларига эса тегишлича 115.98 ва 119.20 м.у. соҳалардаги сигналлар, 130.66 м.у. соҳадаги сигнал С-1' углерод атомига тааллуқлидир.


Шу билан бирга, 29-бирикманинг ¹³С ЯМР спектрида β-глюкоза ва галл кислота қолдиқларига хос сигналлар ҳам кузатилади. Глюкозанинг С-1, С-3, С-5 атомларига тегишли (103.20-104.40, 76.46, 76.46 м.у.) сигналлар аномер марказ β-конфигурацияга эга эканлигини кўрсатади. Қанд қисми учун глюкозанинг С-6 атоми сигнали характерлидир (61.33 м.у.). Галл кислота қолдиқларига мос сигналлар 174.50 м.у.(-COO-), 120.00 м.у. (С-1''), 111.80 м.у. (С-2'' ва С-6''), 144.59 м.у. (С-3'' ва С-5'') соҳаларда кузатилди (1-жадвал).

Платанозид-А (29) бирикмасининг молекула тузилишини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида, проантоцианидинни ишқорий, кислотали шароитларда ва тиолитик парчалаш реакциялари ўтказилди. Бунда молекулани ҳосил қилувчи мономерлар А ва В халқаларининг оксидланиш даражасини аниқлаш мақсадида ишқорий шароитда парчалаш усулидан фойдаланилади (1-схема). 29-бирикма азот атмосферасида ишқорий шароитда парчаланганида флороглюцин (33), протокатехин (34), галл (2) ва сирка (35) кислоталари ҳосил бўлди. Бу реакция натижасида фақатгина флаванлараро боғлар узилиб кетмасдан, флаван-3-ол бирикмаларининг пиран гетерохалқаси бўйича ҳам парчаланишлар содир бўлади. Натижада А халқадан – флороглюцин, В халқадан – фенол карбон кислоталари, С халқанинг С₃-С₄ атомларидан эса сирка кислотаси ҳосил бўлди. Реакция натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар гидролизатдан индивидуал ҳолда ажратиб олинди ва физик-кимёвий константалари ёрдамида ва спектрлар натижалари асосида исботланди.

Проантоцианидинлардаги флаванлараро углерод-углерод боғларининг узилиши уларнинг *n*-бутанол эритмасида, минерал кислоталар таъсирида антоцианидинлар ва катехинлар ҳосил бўлишига олиб келади. Бунда ҳар

доим энг «пастки» мономер бўлакдан катехин конфигурацияси ўзгармаган ҳолда ажралади, «юқоридаги» мономер бўлаклардан эса тегишли антоцианидин ҳосил бўлиши бизга адабиётлардан маълум.

Олиб борилган кислотали шароитда парчалаш реакцияси натижасида **29**-бирикманинг флаванлараро углерод-углерод боғи узилиши ва реакция натижасида энг пастки мономер бўлакдан (-)-эпикатехин-3-*O*-галлат (**36**) ва юқориги мономер бўлаклардан тегишли цианидин (**37**) ҳамда *D*-глюкоза (**38**) ҳосил бўлиши кузатилди (1-схема). Бундан проантоцианидиннинг мономер бўлаклари фақат катехин бўлакларидан ташкил топганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Реакция натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар гидролизатдан индивидуал ҳолда ажратиб олинди ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида ҳамда спектрал маълумотлари асосида исботланди.



1-схема. Платанозид-А нинг (29) кимёвий ўзгаришлари

Проантоцианидинлардаги флаванлараро боғни узиш, флаванол мономер бўлаклари ҳақида маълумотлар олиш, конфигурациясини аниқлаш учун фенилмеркаптан ёки бензилмеркаптаннинг сирка кислотадаги эритмаси иштирокида парчалаш усулидан фойдаланилди.

Биз **29**-бирикмани фенолмеркаптан (тиофенол) иштирокида тиолитик парчалаганимизда реакция натижасида учта бирикма ҳосил бўлди. Молекуланинг энг «пастки» мономер бўлагидан (–)-эпикатехин-3-*O*-галлат (**36**), «юқори» мономер бўлақларидан тегишли тиоэфир (**39**) аралашмаси ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган тиоэфирлар ўз навбатида Реней-никели катализатори иштирокида водород билан қайтарилганида (–)-эпикатехин (**40**) ҳосил бўлганлиги физик-кимёвий ва спектрал тавсифлари асосида аниқланди.

Олинган спектрал маълумотлар (1-жадвал) ҳамда кимёвий парчалош реакциялари (1-схема) натижаларига кўра, **29**-бирикма учун қуйидаги тузилиш ва нисбий конфигурация таклиф этилди: 7-*O*-β-*D*-*Glc*p-(–)-эпикатехин-(4β-8)-(–)-эпикатехин-(4β-8)-(–)-эпикатехин-3-*O*-галлат (**29**).

Платанозид-Б (30) – оч-жигар ранг аморф кукун. $C_{107}H_{90}O_{54}$ таркибга эга, $[\alpha]_D^{22} -59.6^\circ$ (c 0.26; ацетон-сув 1:1), молекуляр оғирлиги $M_o = 2238$ (ультрацентрифуга ва гель-филтрация), 290–300°C ҳароратда парчаланadi.

УБ-спектри (C_2H_5OH): λ_{max} 277 нм. ИҚ-спектри (КВг, ν_{max} , cm^{-1}): 3574, 3543, 1696, 1606, 1506, 1306, 1033.

^{13}C ЯМР спектр маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.


Худди юқоридаги шароитда, платанозид-А (**29**) проантоцианидинга олиб борилган шароитда платанозид-Б (**30**) молекуласининг *A*, *B*, *C* халқалари бўйича, молекуладаги мономер бўлақларнинг галлоилланган ёки галлоилланмаганлиги, энг пастки мономер бўйича батафсил маълумот олиш, *B* халқадаги гидроксил гуруҳлар ҳақида етарлича маълумотлар олиш мақсадида ишқорий ва кислотали шароитда ҳамда тиолитик парчалош реакциялари олиб борилди (2-схема).

Ишқорий шароитдаги парчалош реакцияси натижасида флороглюцин (**33**), протокатехин (**34**) ва галл (**2**) кислоталари, *C* гетерохалқанинг C_3 - C_4 углерод атомларидан сирка кислота (**35**) ажралиб чиқиши кузатилди (2-схема).

30-бирикмани кислотали шароитда парчалош реакцияси натижасида, гидролизатда молекуланинг юқorigи мономер бўлақларидан цианидин (**37**), *D*-глюкоза (**38**), галлоил-*D*-глюкоза (**41**), молекуланинг энг пастки мономер бўлагидан тегишлича (–)-эпигаллокатехин (**42**) ҳосил бўлиши аниқланди.

Тиофенол иштирокида тиолитик парчалош реакциясида молекуланинг юқorigи мономер бўлақларидан тегишли тиоэфирлар (**43**, **44**) ҳосил бўлишини, молекуланинг энг пастки мономер бўлагидан (–)-эпигаллокатехиннинг (**42**) ўзгармаган ҳолда ажралиб чиқиши аниқланди. Тиоэфирлар (**43**, **44**) аралашмасини Реней-никели катализатори иштирокида водород билан қайтарилганда, тегишлича (+)-катехингаллат (**45**) ва (–)-эпикатехингаллатлар (**36**) ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Кимёвий парчалош реакциялари натижаларидан хулоса қилишимиз мумкинки, проантоцианидиннинг мономер бўлақлари (+)-катехингаллат ва (–)-эпикатехингаллатлардан ташкил топган.



2-схема. Платанозид-Б нинг (30) кимёвий ўзгаришлари

Платанозид-Б нинг (30) тузилишини тўлиқроқ ўрганиш мақсадида унинг протонларнинг спин-спин таъсирлари тўла сўндирилган шароитдаги ^{13}C ЯМР-спектри, УБ ва ИҚ-спектроскопия маълумотлари натижалари таҳлил қилинди. ^{13}C ЯМР-спектр маълумотлари (2-жадвал) таҳлил қилинганда, флороглюцинол халқасининг С-5, С-7, С-9 углерод атомлари 153.20-156.70 м.у. соҳаларда резонанс сигнал беришини кузатишимиз мумкин, ушбу халқанинг алмашинмаган углерод атомларининг сигналлари 94.58 ва 94.53 м.у. соҳаларда кузатилади, бу эса проантоцианидин молекуласидаги А халқага мос сигналлардир.

В халқаси углерод атомлари резонанс сигналларининг кимёвий силжишлари С-2', С-5', С-6' – 115.50-116.50, 115.50-116.50 ва 118.30-121.40 м.у. ларда мос равишда катехин молекуласига мос келади (2-жадвал).

С халқадаги С-2 углерод атомининг сигналлари 82.28, 81.40, 74.36 ва 76.46 м.у. соҳаларида кузатилиши проантоцианидин молекуласидаги флаван-3-олларнинг асимметрик марказлари 2,3-транс- ҳамда 2,3-цис-конфигурацияларга эга эканлигини кўрсатади (2-жадвал).

Гетерохалқадаги С-2 ва С-4 углерод атомларининг 82.28-81.40, 36.75 ва 74.36, 34.18 м.у. соҳаларида резонанс сигналлар бериши, молекуладаги барча

мономер бўлақлардаги С-3 углерод атомлари галлоилланганлигидан далолат беради. С-10 углерод атомининг 102.08 м.у. соҳадаги сигнали молекуладаги флаванлараро боғнинг С-4-С-8 турига мос келишини кўрсатади.

30-бирикманинг ^{13}C ЯМР-спектри маълумотларида глюкозанинг углерод атомларига тегишли сигналларни кўришимиз мумкин. Қанд қисмининг углерод сигналларини таҳлил қилиш натижасида унинг иккита β -D-глюкопираноза қолдиғидан иборатлиги, улардан биттаси галл кислотаси қолдиғи сақлаши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

^{13}C ЯМР спектрида платанозид-Б (30) углерод атомлари сигналларининг кимёвий силжишлари (м.у.)

Углерод атомлари	Платанозид-Б нинг мономер бўлақлари				
	а	б, с	д	Глюкоза	Галлоил
С-2	81.40-82.28	74.36	76.46		
С-3	73.77	74.36	69.79		
С-4	36.75	34.18	—°		
С-6	94.58	94.53	94.53		
С-8	92.56	107.50	107.50		
С-10	102.08	102.08	102.08*		
С-5, 7, 9	153.20-156.70	153.20-156.70	153.20-156.70		
С-1'	130.91	130.91	130.91	102.08*	118.30-121.40
С-2'	115.50-116.50	115.50-116.50	115.50-116.50	73.77	111.80
С-3'	143.60-145.70	143.60-145.70	143.60-145.70	76.46	144.59
С-4'	143.60-145.70	143.60-145.70	143.60-145.70	69.83	139.19
С-5'	115.50-116.50	115.50-116.50	115.50-116.50	76.46	144.59
С-6'	118.30-121.40	118.30-121.40	118.30-121.40	61.36: 63.06	111.80
—COO—					176.10

*Қатор усти белгили сигналларни бир-бири билан ўрин алмаштириш мумкин.
°Сигнал эритувчи сигнали билан тўсилганлиги сабабли кузатилмайди. (а, б, с, д – 2-схемага қаранг).

Олинган спектрал маълумотлар (2-жадвал) ҳамда кимёвий парчалаш реакциялари (2-схема) натижасига кўра, проантоцианидин кўйидаги тузилиш ва нисбий конфигурацияга эга эканлиги аниқланди: 7-*O*-(6'-*O*-Galloyl)- β -D-Glcp-(+)-катехин-3-*O*-галлат-(4 β -8)-(-)-эпикатехин-3-*O*-галлат-(4 α -8)-(-)-эпикатехин-3-*O*-галлат-(4 α -8)-5-*O*- β -D-Glcp-(-)-эпикатехин-3-*O*-галлат (**30**).

Платанозид-С (31) – оч-жигар рангли аморф кукун. $\text{C}_{156}\text{H}_{138}\text{O}_{87}$ таркибга эга, $[\alpha]_{\text{D}}^{16} +55.5^\circ$ (c 0.32; ацетон-сув 1:1), молекуляр оғирлиги $M_o = 3402$ (ультрацентрифуга ва гель-филтрация), 290-300°C ҳароратда парчаланadi.

УБ-спектри ($\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$): λ_{max} 273 нм. ИҚ-спектри (КВг, ν_{max} , cm^{-1}): 3414, 3399, 1717, 1616, 1522, 1456, 1201, 1038.

^{13}C ЯМР-спектр маълумотлари 3-жадвалда келтирилган. Платанозид-С (**31**) проантоцианидиннинг ^{13}C ЯМР-спектри маълумотларида (3-жадвал) эпигаллокатехингаллат, катехингаллат, эпикатехин, галл кислота қолдиғи ва

глюкоза молекулалари углерод атомларининг сигналларини кўришимиз мумкин.

C халқа углерод атомларининг кимёвий силжишлари тақсимланиши проантоцианидин молекуласи 2,3-*цис*- (74.85 ва 76.24 м.у.) ва 2,3-*транс*-конфигурациядаги (81.48 ва 82.46 м.у.) галлокатехин ва катехин мономер бўлақларидан иборат эканлиги ва уларнинг аксарияти галлоилланганлиги ҳақида маълумот беради (C-4 углерод атомининг 34.10 м.у. ва 25.45 м.у. сигналлари) (3-жадвал).

3-жадвал

¹³C ЯМР спектрида платанозид-С (31) углерод атомлари сигналларининг кимёвий силжишлари (м.у.)

Углерод атомлари	Платанозид-С нинг мономер бўлақлари						
	а	б	с	д	е	Галлоил	Глюкоза
C-2	74.85*	81.48; 82.46	74.85*	76.24	76.24		
C-3	74.85*	73.42; 73.57	74.85*	70.85	70.85		
C-4	34.10	37.01**	34.10	37.01**	25.45		
C-6	97.32	96.57	96.57	96.57	96.57		
C-8	96.57	107.36 ⁰	108.03 ⁰	107.36 ⁰	108.03 ⁰		
C-10	101.90 ⁼	102.14 ⁼	103.16 ⁼	103.16 ⁼	102.52 ⁼		
C-5, 7, 9	154.46	154.46	154.46	154.46	154.46		
C-1'	130.98	130.98	130.98	130.98	130.98	120.74 ^Г	103.16 ⁼
C-2'	107.37 ⁰	116.14	107.37 ⁰	116.14	107.37 [#]	110.01	74.83* [*] ; 74.45* [*]
C-3'	144.78	144.78	144.78	144.78	147.87	144.78	76.24
C-4'	133.24	144.78	133.24	144.78	133.24	139.45	70.85
C-5'	144.78	116.14	144.78	116.14	147.87	144.78	76.75; 78.48
C-6'	107.37 [#]	119.99 ^Г	107.37 [#]	119.99 ^Г	108.03 [#]	110.01	60.75; 65.70
C-6'-(Gall)							63.13
-COO-						164.83; 167.42	

Қатор усти белгили сигналларни бир-бири билан ўрин алмаштириш мумкин (а, б, с, д, е – 3-схемага қаранг).

C-10 атомининг сигнали $\delta=100.0$ м.у. дан кучсиз соҳада намоён бўлганлиги сабабли, проантоцианидин молекуласидаги флаванлараро углерод-углерод боғ C-4-C-8 турига мансубдир (3-жадвал).

Қанд қисмининг сигналлари аксарият ҳолларда *C* халқа углерод атомларининг сигналлари билан тўсилади. Глюкозанинг C-6 углерод атомларига мос сигналларгина бу соҳадан чиқади. Улардан бири 65.70 м.у. соҳада намоён бўлиб, шу ҳолатда гликозилланишини кўрсатади. C-6 углерод атомининг 63.13 м.у. соҳадаги сигнали глюкан занжирларидан охириги қанд қисмининг шу ҳолатда галлоилланганлигини кўрсатади.

B халқасининг углерод атомлари кимёвий силжишлари таҳлил қилинганда, проантоцианидин катехин ва галлокатехин мономер бўлақларидан ташкил топганлиги маълум бўлди. 144.78 м.у. соҳасидаги интенсив сигнал катехинлар *B* халқасининг алмашинган C-3' ва C-4' углерод

атомларига, шунингдек, галлокатехинлар *B* халқасининг C-3' ва C-5' углерод атомларига тегишлидир. Катехинларнинг C-2' углерод атомига 116.14 м.у. даги резонанс сигнал, C-5' ва C-6' углерод атомларига эса 115.50 м.у. ва 119.04 м.у. лардаги сигналлар, галлокатехинларнинг C-2' углерод атомига 107.37 м.у. даги резонанс сигнал, C-5' ва C-6' углерод атомларига эса 144.78 м.у. ва 107.37 м.у. лардаги сигналлар мос келади. 130.60 м.у. даги сигнал катехин ва галлокатехинлардаги C-1' углерод атомига тааллуқлидир.

¹³C ЯМР спектри ва ферментатив гидролиз натижаларига кўра, платанозид-С (31) бирикмаси иккита глюкоза занжирига эга эканлиги, ҳамда уларнинг проантоцианидинга боғланган ўрни «юқориги» бўлакнинг C-7 углерод атомига ва энг «пастки» бўлакнинг C-5 углерод атомига тўғри келиши аниқланди. Бу ҳолда стереокимёвий қийинчилик ҳисобга олинган.

Платанозид-С нинг (31) ишқор иштирокида парчаланиш реакцияси натижасида олдинги проантоцианидинларга ўхшаш флороглюцин (33), протокатехин (34), галл (2) ҳамда сирка (35) кислоталари ҳосил бўлди (3-схема).


31-бирикмани кислотали шароитда парчалаш реакцияси натижасида молекуланинг «юқориги» бўлакларидан цианидин (37), дельфинидин (46), глюкоза (38) ва галлоил-глюкоза (41) ҳосил бўлди.

Энг «пастки» бўлақдан эса (–)-эпигаллокатехин-3-*O*-галлат (12) ажралиб чиқади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, платанозид-С нинг (31) «юқориги» мономер бўлақлари катехин ва галлокатехинлардан, қанд қисми эса глюкоза ва галлоил-глюкозалардан ташкил топган (3-схема).

Платанозид-С нинг (31) кислотали муҳитда тиофенол иштирокида тиолитик парчалаш натижасида (–)-эпигаллокатехин-3-*O*-галлат (12) ва тиоэфирлар (39, 44, 47) аралашмаси ажратиб олинди. Ҳосил бўлган тиоэфирлар аралашмаси Реней-никели катализатори иштирокида қайтарилганда улардан тегишли (–)-эпигаллокатехин-3-*O*-галлат (12), (+)-катехин-3-*O*-галлат (45) ва (–)-эпикатехин (40) ҳосил бўлганлиги аниқланди (3-схема).

Молекула таркибига кирувчи ацилглюкозадаги галл кислота қолдиғи глюкозанинг қайси углерод атомига бирикканлигини аниқлаш мақсадида 31-бирикмани метил йодид (CH₃I) иштирокида тўлиқ метиллаш ва ҳосил бўлган реакция маҳсулотини (перметилат) кислотали гидролиз қилиш натижасида 2,3,4-три-*O*-Me-*D*-Glcр ва 2,3,4,6-тетра-*O*-Me-*D*-Glcр лар ҳосил бўлди. Олинган реакция маҳсулотларидан хулоса қилиш мумкинки, галл кислота қолдиғи *D*-глюкозанинг айнан 6-ҳолатига бирикканлигини кўрсатади (3-схема).

31-бирикмани β-глюкозидаза ферменти таъсирида ферментатив гидролиз қилинганда, қанд қисмининг глюкоза ва галлоил-глюкозадан иборат эканлиги аниқланди:



3-схема. Платанозид-С нинг (31) кимёвий ўзгаришлари

Олинган спектрал (ИК, УБ ва ^{13}C ЯМР) маълумотлар (3-жадвал) ҳамда кимёвий парчалаш реакциялари (3-схема) натижасига кўра, проантоцианидин учун куйидаги тузилиш ва нисбий конфигурация таклиф этилди: 7- O - β -D-Glcp-(1 \rightarrow 6)- O - β -D-Glcp(-)-эпигаллокатехингаллат-(4 α -8)-(+)-катехингаллат-(4 β -8)-(+)-катехингаллат-(4 β -8)-(-)-эпигаллокатехингаллат-(4 α -8)-(-)-эпикатехин-(4 β -8)-5- O -

β -D-Glcp-(1 \rightarrow 6)-O- β -D-(6'-O-Galloyl)-Glcp-($-$)-эпигаллокатехингаллат (31).


Платанозид-Д (32) – оч-жигар рангли аморф кукун. $C_{86}H_{78}O_{42}$ таркибга эга, $[\alpha]_D^{16} +36.2^\circ$ (c 0.38; ацетон-сув 1:1), молекуляр оғирлиги $M.o.=1782$ (ультрацентрифуга ва гель-филтрация), 290-300 $^\circ$ C ҳароратда парчаланadi.

УБ-спектри (C_2H_5OH): λ_{max} 275 нм. ИҚ-спектри (KBr, ν_{max} , cm^{-1}): 3394, 1716, 1616, 1521, 1456, 1374, 1286, 1119, 1071.

ЯМР ^{13}C спектр маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.

Платанозид-Д (32) проантоцианидинининг молекула тузилишини аниқлаш учун юқоридаги бирикмаларга ўхшаш бир қатор парчалаш реакциялари олиб борилди. Жумладан, азот атмосферасида ишқорий шароитда олиб борилган парчалаш реакцияси натижасида флороглюцин (33), протокатехин (34), галл (2) ва сирка (35) кислоталари ҳосил бўлди (4-схема).

Кислотали шароитда парчалаш реакциясида флаванлараро углерод-углерод боғи узилиб, реакция натижасида ($-$)-эпикатехин-3-О-галлат (36), цианидин (37) ҳамда глюкоза (38) ҳосил бўлиши аниқланди (4-схема).



4-схема. Платанозид-Д нинг (32) кимёвий ўзгаришлари

32-бирикманинг тиофенол ва сирка кислота иштирокидаги тиолитик парчаланишида учта бирикма ҳосил бўлиши аниқланди. Молекуланинг энг «пастки» қисмидан (–)-эпикатехин-3-*O*-галлат (**36**), «юқори» мономер бўлақларидан тегишли тиоэфирлар (**39**, **43**) аралашмаси ҳосил бўлди. Улар ўз навбатида Реней никели катализатори иштирокида каталитик парчalandи. Натижада олинган моддалар физик-кимёвий ва спектрал тавсифлари асосида (–)-эпикатехин (**40**), (–)-эпикатехин-3-*O*-галлат (**36**) эканлиги аниқланди (4-схема).

β -глюкозидаза таъсиридаги ферментатив гидролиз маълумотларига кўра, платанозид-Д (**32**) таркибида β -глюкопираноза қолдиғи борлиги аниқланди.

Олинган спектрал маълумотлар натижасига кўра, платанозид-Д (**32**) ушбу проантоцианидин олигомер проантоцианидинларга хос ютилиш ва тебраниш соҳаларини берганлигини кўришимиз мумкин. ^{13}C ЯМР-спектр маълумотлари ҳам ушбу бирикмани гликозилланган проантоцианидинларга мансублигини кўрсатди (4-жадвал).

Протонлар билан спин-спин таъсирлари тўла сўндирилган шароитдаги платанозид-Д (**32**) проантоцианидинининг ^{13}C ЯМР-спектрида 2,3-*цис*-конфигурацияга эга катехинларнинг 74.53, 76.24, 76.49 м.у. соҳадаги сигналлари кузатилади (4-жадвал).

